Ушбу сонда:

2 МАТБУОТ СЎЗИНИНГ ТАЪСИРЧАН КУЧИ

3 TV— ДАСТУРИ

4 «ПАҲЛАВОН» ПАҲЛАВОНЛАРНИ САРАЛАДИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 24 май, жума №83 (1300)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ДАМ ОЛИШ МАСКАНЛАРИ МАВСУМГА ШАЙМИ?

Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий мажмуида Болаларни ёзги соғломлаштириш ва дам олдириш бўйича республика комиссиясининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, шунингдек, Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ва унинг ҳудудий уюшмалари кенгашлари раислари иштирок этди.

Мажлисда ўтган йили болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш якунлари ҳамда 2002 йил мавсумига тайёргарлик кўриш ва уни талаблар даражасида ўтказиш масалалари муҳокама этилди. Бунда барча турдаги оромгоҳларни фойдаланишга пухта ҳозирлаш, айниқса, ташкилий, тиббий, маданий-маърифий ва таълим-тарбиявий ишларни изчил амалга ошириш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги чора-тадбирлар белгиланди.

Хусусан, Оролбўйи минтақаси - Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм вилоятидаги эҳтиёжманд оилаларнинг фарзандларини юртимиздаги энг сўлим, хушманзара оромгоҳларда бепул ҳордиқ чиқаришини таъминлаш режалаштирилди. Шу ўринда айтиш жоизки, ўтган ёзда Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси ва Вазирлар Маҳкамасининг «Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳамда сув тақчиллиги оқибатларини енгиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ушбу минтақадан жами 20 минг нафардан ортиқ боланинг шундай оромгоҳларда соғломлаштирилиши ва мазмунли дам олиши таъминланди.

Мажлисда давлатимиз келажаги бўлмиш ёш авлод вакилларининг ёзги дам олиш вақтларини янада мароқли ва қизиқарли ўтказиши учун барча қулай шарт-шароитни яратиб бериш юзасидан тегишли вазирлик ҳамда ҳокимликлар мутасадди раҳбарларига зарур кўрсатма ва топшириқлар берилди.

(ЎзА).

ЎЗИГА ХОСЛИГИ ШУНДАКИ...

Бу йил болаларнинг ёзги дам олиш мавсумига алоҳида эътибор қаратиляпти. Зеро, ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама етук ва баркамол инсон этиб вояга етказиш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Жорий йилда бу тадбир қандай ўтади, оромгоҳлар мавсумга шайми?

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши бош мутахассиси Мавлуда ШУКУРОВА бу ҳакда ЎзА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди.

- Бу йил 27О минг нафар ўғил-қиз оромгоҳларда ўз саломатлигини мустаҳкамлаб, ҳордиқ чиқаради. Шу мақсадлар учун қарийб 2 миллиард 584 миллион сўм маблағ сарфланади. Мавсум анъанага кўра, 1 июн - Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунидан бошланади.

Мавсумда 747 болалар соғломлаштириш оромгоҳи очилади. Айни пайтда айрим мактаблар ҳузурида ҳам дам олиш масканлари ташкил этилади.

Ҳар йилгидек, бу ёзда ҳам Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидан келадиган ўқувчи-ёшлар Тошкент вилояти ва пойтахтимиз ҳудудидаги энг сўлим оромгоҳларда ҳордиқ чиқаради.

Йўлланма қийматининг эллик фоизи касаба уюшмаларининг ижтимоий суғурта жамғармасидан, қолган қисми хўжалик ташкилотлари, касаба уюшмалари маблағлари ҳисобидан қопланади. Ота-оналар, агар йўлланмани касаба уюшмалари орқали сотиб олса, уларнинг ўн фоизинигина тўлайди. Эҳтиёжманд, кўп фарзандли оилалар, шунингдек, мехрибонлик уйлари тарбияланувчилари учун алоҳида имтиёзлар кўзда тутилган - уларга йўлланмалар бепул берилади. Бу йилги мавсумнинг ўзига хослиги шундаки, болалар оромгоҳлари барча коммунал хизматлари - сув, электр қуввати, газ ҳақининг эллик фоизини тўлайди.

Айтиш жоизки, ёзги соғломлаштириш мавсумини тўғри ташкил этиш ва юқори савияда ўтказиш борасидаги барча ишлар билан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари раҳбарлигидаги махсус комиссиялар шуғулланмоқда. Комиссиялар таркибида касаба уюшмалари кенгаши, савдо, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, санитария-эпидемиология назорати, ички ишлар, автотранспорт соҳаларининг вакиллари бор.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

Бир Фармон шарофати

ХУСУСИЙ МУЛК
ҳамма унга интилади

Президентимизнинг тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга оид Фармони шарофати билан Сирдарё вилоятида минглаб одамлар янги иш ўринларига эга бўлдилар. Биргина меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоялаш бошқармаси томонидан ажратилган имтиёзли кредит маблағлари эвазига 1473 нафар киши тадбиркорлик йўналишида фаолият кўрсата бошлади.

Бозор қонуни изланиш, интилиш, янгиликка қизиқишдан иборат. Айниқса, мулк шаклининг ўзгариши, унинг давлатимиз томонидан қўллаб-қувватланиши одамлар руҳиятида яратувчилик завқини оширди. Зотан, бугун ўз корхонаси ёки хусусий мулки бўлишини орзу қилмаган кишини учратиш қийин.

Мавжуда Мирбаратова ҳам эл ташвишида ёниб юрганлардан бири эди. У тадбиркорлик йўналишида анча ишларга қўл урди. Номи ишбилармон аёллар рўйхати аввалида қайд этиладиган бўлди. Тикувчилик соҳасида кўплар ундан ўрнак олиб келмоқда. Бироқ, Мавжудани бу юмушлар сира қаноатлантирмади. Унга маҳаллий хомашёни қайта ишлаш туйғуси сира тинчлик бермасди. Нимани қайта ишлаш мумкин. Ўйлаб қараса, пиллакорларимиз минг машаққат эвазига етиштирган ҳосилнинг аксарини хорижлик ишбилармонлар сув текинга илиб кетаётир. Бу ҳақда узоқ бош қотирди, ўйланди, изланди. Охири меҳнат бошқармаси бошлиғи Абдурашид Абдуллаев ҳузурига борди. Мавжуданинг таклифи қизғин қувватланди. Бошқарма имтиёзли кредит билан таъминлашни ўз гарданига олди. Ана энди Мавжуда Мирбаратованинг осуда кунлари елиб-югуриш, корхона ташкил этиш ташвишига айланди. Охир-оқибатда «Кумуш тола» ишлаб чиқариш корхонаси бунёд этилди.

— Меҳнат бошқармаси корхонамиз фаолиятини ривожлантириш, янги иш ўринлари ташкил этиш мақсадида 5 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит маблағлари ажратиб берди, - дейди Гулистон туманидаги мазкур корхона раҳбари. - Қишлоқда ушбу саноат корхонаси ташкил этилди. 60 нафар фуқарони иш билан таъминладик. Орзуим ушалди. Эндиликда хориж технологияси асосида пилла толасини қайта ишлаш имкони яратилди. Келгусида фаолиятимизни янада кенгайтиришни режалаштирганмиз.

Дарҳақиқат, «Кумуш тола» воҳада бу соҳадаги тўнғич корхона ҳисобланади. Шу боис, Мавжуда Мирбаратова бошлаган ишга хайрихоҳлар кўп. Зукко аёл тикувчилик ва саноатнинг бу муҳим бўғини ўртасида кўприк ясаш пайида бўлмоқда. Дастлабки қадамлар хайрли кечмоқда.

Хомашё Сирдарёда ҳам сероб. Уларни топиш, келтириш муаммо эмас. Яқин кунларда Мирзачўл қизлари қўлида жило топган кумуш тола кўпчилик кўзини ўйнатиши, қиз-жувонлар эгнида ял-ял ёнган атласга айланишига шубҳа йўқ.

— Ўтган йили тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш мақсадида 296 миллион, шу йилнинг биринчи чорагида эса 26 миллион сўм кредит маблағлари ажратилди, - дейди Сирдарё вилоят меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоялаш бош бошқармаси бошлиғи Абдурашид Абдуллаев. - Бу эса қарийб мингта янги иш ўринлари яратиш имконини берди. Энг муҳими, бизнинг маблағларимиз эвазига ташкил этилган тадбиркорлик субъектларининг асосий қисми қишлоқ жойларига тўғри келади. Бугун дала юмушлари билан банд бўлган аҳолининг маълум қисмини кичик-кичик саноат корхоналарига жалб этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дарҳақиқат, қишлоқ хонадонини чорвасиз тасаввур этиш қийин. Аммо, чорва молларини харид қилиш, унинг бош сонини кўпайтиришга ҳаммада ҳам имкон бўлавермайди. Ўтган уч йилда эса ана шундай хонадонлар меҳнат бошқармаси мададини ҳис этди. Бошқарманинг қисқа муддатли имтиёзли кредитлари ҳисобига қишлоқ аҳли қарамоғидаги чорва моллари бош сони бир неча мингтага кўпайди. Бугун бозорларни, боғча-ю мактабларни сут маҳсулотлари билан таъминлашга улар сезиларли ҳисса қўшиб келмоқдалар. Кредит маблағи олиб шахсий чорва хўжалигини ташкил этган тадбиркорларнинг ҳар бири ўрта ҳисобда 3 нафардан 12 нафаргача кишиларни фойдали юмуш билан банд этишга муваффақ бўлдилар.

Н.ШАМСИЕВ,
«Ишонч» мухбири.

2 УЛАРСИЗ ГУЛ ОЧМАС САОДАТНИНГ КАМОЛИ

2700 йиллик юбилейини нишонлашга ҳозирлик кўраётган қадимий ва ҳамиша навқирон Шаҳрисабздаги «Ҳунарманд» уюшмаси раиси Гулнора Одилова бошлиқ ишбилармонлар миллий қадриятларимиз ҳисобланган каштачилик ва зардўзлик сирларини ёшларга ўргатмоқдалар.

Чироқчи туманидаги «Наврўзбек» фермер хўжалиги бошлиғи Ойсанам Жуманова, шаҳрисабзлик Ҳалима Бобоқулова, қаршилик Зайнаб Гулбоева, ғузорлик Венера Фахриддинова, Деҳқонобод туманидан «Ситора -1» фирмаси директори Роза Очиловалар анъанавий «Ташаббус» кўрик танловининг ғолиби бўлдилар.

Хотин-қизлар ўртасида жисмоний тарбия ва спорт мусобақалари ўтказиш, соғломлаштириш тадбирларини уюштириш одат тусига кирган. Амир Темур ватанида бўлиб ўтган «Тўмарис» ўйинлари республика кўрик танловида 14 нафар қизлар иштирок этиб, бош совринни қўлга киритдилар.

Оилада соғлом муҳит

Вилоятдаги 524 та спорт секцияларида 11 мингдан ортиқ ўсмир қизлар шуғулланмоқдалар. Шоҳмот бўйича халқаро турнир қатнашчилари Сарвиноз Эргашева, Дилшода Пардаева, Нодира Нодиржонова, Ирина Тошмуродова, самбо бўйича жаҳон чемпионатида иккинчи ўринни эгаллаган Дилшода Ҳазратова, самбо бўйича жаҳон биринчилиги кумуш медал соҳибаси Фазилат Омонқулова, каратэ бўйича Осиё чемпиони Елена Каспулатовалар юрт довруғини оламга таратишаяпти.

Хотин-қизларни ижтимоий ҳимоялаш қатъий назоратда. Меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги, аёллар учун қулай иш шароити яратиш касаба уюшмалари фаолиятида муҳим ўринни эгаллаган. Ишсиз сифатида рўйхатга олинган 8238 нафар аёл иш билан таъминланди. Янгитдан 18803 та иш ўринлари яратилди. Вилоят ҳокимлиги ҳузурида тадбиркор хотин-қизларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва тақдим этилган лойиҳаларни кўриб чиқиш ишчи гуруҳи ташкил этилган бўлиб, ҳар шанба куни тадбиркор хотин-қизлар билан учрашув ўтказилади, уларнинг кредит олишларига амалий ёрдам кўрсатилади.

2002 йил Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан жамиятимизнинг ривожи ва болалар тарбиясига катта ҳисса қўшган аёлларни эъзозлаш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш тадбирлари белгиланган. Раҳима Аминова, Надежда Царкова, Нарзи Акрамова, Чўлпоной Султонова, Озода Сайфиева, Муҳтарама Носирова, Саодат Кенжаева каби онахонлар қишлоқ ва маҳаллалар, меҳнат жамоаларида ёшлар тарбияси хусусида мулоқотлар уюштиришаяпти. Корхона, ташкилот ва муассасалар, мактаблар ва ўқув юртлари раҳбарияти касаба уюшмалари билан ҳамкорликда қариялар билан бир пиёла чой устида учрашувлар ўтказиб, уларни қимматбаҳо совғалар билан тақдирладилар.

Хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий, тиббий саводхонлигини ошириш борасида ҳам муайян ишлар олиб борилаяпти. «Аёл маънавияти», «Аёл ва ҳуқуқ», «Сиз ҳуқуқингизни биласизми?», «Аёлнинг жамиятдаги ўрни», «Она билан мунаввар олам» каби мавзуларда давра суҳбатлари уюштирилди. Қарши шаҳрида Сурхондарё вилоят хотин-қизлари билан биргаликда ўтказилган «Хотин-қизларнинг жамият тараққиётидаги ўрни ва тендер муаммолари» мавзуидаги ҳудудий семинар кўзланган натижани берди.

Вилоятда 300 мингдан ортиқ оила бўлиб, унинг барқарорлиги ва тотувлигини таъминлаш, оилавий ажралишларни камайтириш хотин-қизлар қўмиталари, фуқаролар йиғинлари ва касаба уюшма ташкилотлари фаолларининг сайъ-ҳаракатига ҳам боғлиқдир. Гуруч курмаксиз бўлмаганидек, бултур 269 та оилавий ажримлар қайд этилди. Вояга етмаган ёшлар орасида 171 та жиноят рўйхатга олинди.

Таҳлиллар кўрсатиб турибдики, барча оилаларда ҳали соғлом муҳит яратилган эмас, болалар тарбиясига ҳар томонлама эътибор қаратиляпти, деб бўлмайди. Шундай экан, хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий соҳаларда фаол иштирок этиши, аёллар учун муносиб турмуш шароитини яратиб бериш муҳим вазифа бўлиб қолади. Президентимиз кўрсатиб ўтганларидек, аёллар ўзларининг меҳрибонлиги, қалби дарёлиги билан оиладаги, қолаверса, бутун жамиятдаги мувозанатни, поклик, ҳалоллик, самимият ва адолат муҳитини сақлаб турадилар.

Иззат ХИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири.

Касаба уюшмалари ходимлари ҳамда ҳуқуқшуносларининг меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқининг устувор ҳимоячиларидир. Уларнинг самарали меҳнати, қатъиятлиги туфайли кўпдан-кўп кишиларнинг мушкули осон бўлмоқда, муаммолар жойида ҳал этилмоқда.

Суратларда: соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Марказий Қўмитасининг бош ҳуқуқшуноси Карим Мухторов Тошкент вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси ҳуқуқшуноси Ҳилола Эргашева билан меъёрий ҳужжатлар хусусида фикрлашмоқда; Навбаҳор тумани Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси Нормурод Хидиров (чапдан иккинчи) фаоллар билан.

И.ҲАСАНОВ
олган суратлар.

Муаммо ечимини кутади

МАОШДАН ҚАРЗДОРЛИК
бунга аввало иш берувчи жавобгар

Ойлик маош ўз вақтида тўланиши юзасидан белгиланаётган чора-тадбирлар муайян силжишларга олиб келаётганлиги сир эмас. Айниқса, бу борада Вазирлар Маҳкамаси қарори эълон қилингач, ахвол ижобий томон сезиларли даражада ўзгара бошлади. Мулкчилик шаклидан қатъий назар корхона ва ташкилотлар, хўжалик юритувчи субъектларнинг жавобгарлиги ошганлигини ҳам эътироф этиш керак.

Шу хусусдаги қабул қилинган муҳим ҳужжатнинг 5-бандида меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солишда ва уни ўз вақтида тўланишини таъминлашда касаба уюшмаларининг ролини ошириш хусусида ҳам муҳим кўрсатмалар берилган. Энг муҳими бундан буён иш ҳақи ўз вақтида тўланмаганлиги учун иш берувчи биринчи галда жавобгар эканлигини ҳис этадиган бўлди. Бу, жамоа шартномаларида ҳам тегишли банд сифатида киритилди. Йилнинг ўтган даврида вилоят агросаноат мажмуаси тизимида бу борада анча ишлар қилинди. Айрим ҳолатларда касаба уюшмаларининг прокуратура ва суд органларига кўплаб даъво аризалари билан мурожаат қилганларини ҳам таъкидлаш жоиз. Натижада меҳнаткашларнинг 831,5 миллион сўмлик иш ҳақларини ундириб беришга эришилди.

Иш ҳақи бўйича қарзлари кўпайиб бораётган жамоаларнинг раҳбариятига касаба уюшма вилоят қўмитаси билан тузилган келишув шартларини бажармаганликлари учун ўндан ортиқ расмий талабномалар юборилди. Бир неча ҳолатларда тўланадиган умумий сумма тўғрисида масъул ходимларга огоҳлантирувчи хатлар билан мурожаатлар қилинди.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, қатор корхоналарда мутасадди раҳбарларнинг уқувсизлиги, билим ва ташкилотчилик етишмаётганлиги оқибатида иш ҳақидан қарздорлик юзага келмоқда. Шунингдек, жамоалар бир-бири билан ўзаро келишмай ишга ёндошуви ҳам аҳволни мушкуллаштиришга олиб келмоқда. Натижада, биргина вилоят МТП тизимидаги жамоаларда муддати ўтган дебитор қарзлар 2,5-3 миллиард сўмга бориб етди. Бу ҳол катта миқдорда иш ҳақидан қарздорликнинг юзага келишига сабаб бўлди.

Кузги-қишки мавсумда мелиоратив тадбирларни лойиҳа-сметасини тасдиқламай, амалга ошириш, молиялаштирилмаган ҳолда бу ишга киришиш жараёнида вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси тизимидаги таъмирлов ташкилотларидан ширкат хўжаликлари 70 миллион сўм атрофида қарздор бўлиб қолдилар. Оқибатда мелиоратор ва механизаторлар уч ойдан буён 12 миллион сўмлик иш ҳақларини ололмай юришибди. Ҳолбуки, ҳукумат қарорида муддати ўтказиб юборилган қарзлар ҳосил бўлган ҳолларда айбдор шахсларни жазолаш, ҳаттоки, жавобгарликка тортиш масаласи қўйиляпти. Шу боис каттагина дебитор қарзлари бўлган «Амубухороканалқурилиш», «Бухороқурилиш», «Бухоросувқурилиш», «Бухорооролқурилиш» сингари йирик жамоалар раҳбарлари жадал ҳаракат қилишлари керак бўлади. Бундан ташқари асосий буюртмачилар — вилоят 6-қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси ва вилоят ҳокимлиги капитал қурилиш бошқармаси раҳбарлари ҳам масалага ойдинлик киритиши лозим.

Қоровулбозор, Шофиркон, Когон, Олот туманларининг ҳокимликлари ҳам тармоқда юзага келган иш ҳақидан қарздорликни тўла-тўкис бартараф этиш юзасидан шошилинч чоралар белгиласалар мақсадга мувофиқ бўлур эди. Чунки, вақти-соатида тўланадиган баракали маош ижтимоий ҳимоянинг самарали воситаси.

Холиқ БАҚОЕВ,
Бухоро вилояти Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси раисининг ўринбосари.

САЙЁРАМИЗ САДОСИ

ЯНГИ КЕНГАШ ТУЗИЛДИ

Россия сўнгги йилларда Шимолий Атлантика ҳарбий уюшмаси — НАТО билан бўладиган мулоқотларини ўзгартириш ва кўпқамровли изга солиш йўлида анча саъй-ҳаракатлар кўрсатди. Яқинда бу борада янги натижага эришилди, дейиш мумкин. Россия НАТО таркибига ўзига хос мақом билан киритилди ва «Россия — НАТО» деб аталган янги кенгаш тузилди. Бу соҳага доир ҳужжатлар 28 майда НАТОнинг Италия пойтахти Римда бўлиб ўтадиган саммитида тасдиқланиши лозим. Унга РФ президенти В.Путин ҳамда НАТОга аъзо давлатларнинг бошлиқлари имзо чекадилар.

ТАН ОЛИНДИ

Тбилисида Панкис дарасида қуролланган чечен босқинчилари ва хориждик ёлланган жангариларнинг мавжуд эканлиги, ниҳоят, тан олинди. Аввалари бу ҳолат рад этиб келинаётган эди. Грузия давлат хавфсизлик вазири Валерий Хабурдзания баёнот бериб, дарада айни пайтда 100 нафар ёлланган араблар, 800 нафар кишидан иборат чечен жангарилари борлигини очиқ айтди. Улар Россия-Грузия чегаралари туташган минтақаларда изғиб юрибдилар. Аммо, уларни барбод этиш учун ҳозир ҳеч қандай ҳарбий куч ишлатиш режалаштирилаётгани йўқ, деди вазир. У бундай режа ёрдамга келган АҚШ ҳарбийлари билан биргаликда ишлаб чиқилиши мумкинлигига шама қилди. Чунки, ўша кунлари Грузия президенти Э.Шеварднадзе генерал Лесли Фулер бошлиқ АҚШ қуролли кучлари махсус бўлинмалари йўриқчилари делегациясини қабул қилган эди.

ҲАРБИЙ ҚИСМЛАР ҚАЙТАДИ

Канада мудофаа вазирлиги вакиллари сўнгги пайтларда Афғонистонда ҳарбий операцияларда қатнашган ҳарбий қисмларнинг шу йил ёзида ватанларига қайтажаклари тўғрисида баёнот бердилар. Шу билан биргаликда улар бундай қисмлар кейинроқ Тинч уммони минтақасидаги айрим мамлакатларда фаолият кўрсатаётган террорчилик ташкилотларига қарши курашиш хатти-ҳаракатларида иштирок этишлари мумкинлигини ҳам айтдилар.

УРУШ ХАВФИ КУЧАЙМОҚДА

Буюк Британия ташқи ишлар вазири Покистон билан Ҳиндистон ўртасида чинакам уруш бошланиб кетиши хавфи тобора кучаяётганлигини эътироф этди. Мазкур икки давлат уруш бўсағасида турибди, жаҳон жамоатчилиги бундан бехабар қолиши мумкин эмас, деди вазир. У қалтис вазиятни юмшатиш учун янаги ҳафтада мазкур минтақага сафар қилажаклигини ҳам билдирди.

ОВРЎПО ИТТИФОҚИГА МУРОЖААТ

Оврўпо Иттифоқининг ташқи сиёсат масалалари бўйича мувофиқлаштирувчиси Хавьер Солано Фаластин миллий мухторияти раҳбари Ёсир Арофат режалаштираётган ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш лозимлигини сўраб, Оврўпо Иттифоқи раҳбариятига мурожаат қилганлигини таъкидлади.

ЖОСУС «ҚЎНҒИЗЧА»

Жосусларнинг турли ниқобларда юрадиган пайтлари ўтиб кетди. Эндиликда уларнинг фаолияти электроника ютуқлари туфайли жуда енгиллашди. Масалан, яқинда шартли равишда «Гурунч донаси» деб аталган аудиомикрофон ихтиро этилди. Цилиндр шаклидаги ушбу «қўнғизча»нинг узунлиги 7,5 миллиметр, кенглиги 4 миллиметр бўлиб, мўъжазлиги билан кишини ҳайратга солади. У телефон тармоғига улангач, гапларни эшитиш аппаратига бемалол узатаверади. Бу янгилик ҳақида «Гамбургер абендблат» газетаси хабар қилди.

Интернет ва жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди.

Ўткир ичак хасталигидан сақланинг

ҚАЛБГА ШУУР, КЎЗГА НУР ЗАРУР

Тошкент шаҳар 5-юқумли касалликлар шифохонаси Бешёғоч майдонининг орка тарафидаги хушманзара жойда жойлашган. У 1998 йил апрел ойида Тахтапулдан кўчиб келган бўлиб, бу ерда асосан ўткир ичак ва сарик касалликлари билан оғриган беморлар даволанишади. Айни чоғда мазкур шифо масканида 31 нафар хаким ва 88 нафар ўрта махсус тиббиёт ходимлари беморларнинг саломатликларини тиклаш йўлида намунали хизмат кўрсатиб келмоқда. Даволаш биносининг биринчи каватида ташхис бўлими фаолият кўрсатади. Бу ерга келган беморларга бўлимда УЗД электрокардиограмма ва бошка аппаратлар ёрдамида аник ташхис кўйилади. Бундан ташкари, шаҳар гепатология маркази жойлашган. Жигар хасталигига чалинган беморлар марказга келиб, амбулатория усулида даволанишади. Сарик ва ўткир ичак касалликлари билан хасталанган беморларни эса асосан тез ёрдам машиналари олиб келади.

— Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида беморларнинг даволаниши ва овқатланиши текин ташкил қилинган, - дейди бош ҳаким Салима Валиева. — Уларга уч маҳал парҳезли овқат берилади. Шифокор ва ходимларимиз беморларнинг кўнглини олиб, уларга имкон даражасида муолажа ўтказадилар. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, шаҳримизда ташхис қўйишнинг янги усуллари қўлланилмоқда. Бу имунно-фермент таҳлили бўлиб, беморлардан олинган қон Давлат эпидемиология марказига юборилади. У ердаги махсус аппарат вирусли гепатитларнинг нафақат А,В, балки Ц,Д,Е турларини ҳам аниқлаб беради. Бундай ташхис беморларни самарали даволашда муҳим аҳамият касб этади.

Шифохонада Тошкент педиатрия институтининг юқумли касалликлар кафедраси ҳам жойлашган. Беморларнинг 85 фоизи ана шу кафедра мутахассислари маслаҳатидан ўтади. Шу боис бизда беморларнинг тўла шифо топиши учун барча шароитлар мавжуд дейишга асос бор. Лекин, баъзилар касалликнинг бошланишида ўзларини шубҳали табибларга кўрсатадилар. Улар билиб-билмай муолажалар ўтказадилар. Натижада шифохонага касалликни ўтказиб юбориб, келишади. Бу эса жигар хасталигида жуда хавфли. Мана, кунлар исиб, ҳўл мевалар бирин-кетин пишмоқда. Бу пайтда ўткир ичак касалликлари кўпаяди. Шунинг учун ҳўл меваларни истеъмол қилаётганда шахсий гигиена қоидаларига қатъий амал қилиш керак бўлади.

Касалхонанинг таклиф ва мулоҳазалар дафтарини варақлар экансиз, унга беморлар дил сўзларини ёзиб қолдирганлигининг гувоҳи бўласиз.

— Мен шу йилнинг феврал ойида фарзандим билан мазкур касалхонага тушиб қолдим, -деб ёзади Лобар-бегим Ражабова. — 12 кун давомида шифокорлар муолажа ўтказиб, фарзандимнинг соғайиб кетишига сабабчи бўлдилар. Ҳакимдан тортиб ҳамшираларгача ширин сўз. Шунинг учун уларга миннатдорчилик билдираман.

— Мени бу ерга жуда оғир аҳволда олиб келишди, - деди уруш қатнашчиси Николай Стрижаков. — Шифокорларнинг саъй-ҳаракатлари билан бир ойдан ортиқ вақт ичида юз фоиз даволаниб кетдим. Гемодез, рибоксин, глюкоза каби қиммат дориларни текин беришди. Бу ҳозирги бозор иқтисоди шароитида давлатимизнинг бизга ўхшаган кексаларга меҳрибонлигидан далолатдир.

Ҳа, шифохонада беморларнинг тўла даволаниб кетишига, аввало, ҳакиму ҳамшираларнинг хушмуамалалиги сабаб бўлса, иккинчидан, шифокорлар бу ерга келган беморларга тўғри ташхис қўйиб, аниқ муолажаларни амалга оширишмоқда. Бунда касалхонада кўп йиллардан бери самарали меҳнат қилиб келаётган тажрибали ҳакимлардан Насиба Аноркулова, Зуҳра Сайджалалова, Хўжамқул Мусаев, Дилбар Сайдалиева, ҳамширалардан Зуҳра Муҳамедова, Дилбар Расулова, Дилфуза Абдурахимоваларнинг хизматлари катта. Чунки, улар ўз фаолиятлари дафомида қанчадан-қанча беморларнинг дардига малҳам бўлдилар.

Гулом ЮСУПОВ,
«Ишонч» мухбири.

«Кизил дарё» сохиллари нафақат Яккабоғ туманида, балки, Қашқадарё воҳасидаги энг сўлим гўшалардан бири саналади. Шу боисдан ҳам ҳар йили бу ерда жойлашган оромгоҳларда вилоят меҳнаткашларининг 20 мингга яқин фарзандлари таътилда дам олиб, соғлиқларини тиклашади.

«ҚИЗИЛ ДАРЁ» ФАРЗАНДЛАРНИ КУТМОҚДА

Тараддуд

Айни чоғда туман ва шаҳар ҳокимликлари, касаба уюшма қўмиталари болалар ёзги таътилининг мароқли ўтишини таъминлаш мақсадида муҳим тадбирларни амалга оширишмоқда. Айниқса, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасига қарашли Майна Ҳасанова номли оромгоҳда мавсумга тайёргарлик ишлари кўнгилдагидек бораётир. 27 гектарлик боғ-роғлар тозаланиб, болалар ётоқхоналари меъёрига келтирилган, гулхоналарга ишлов берилган.

— Маблағни тежаш мақсадида оромгоҳ ишчи-хизматчиларидан тўртта қурилиш бригадаси ташкил этиб, 30 нафар кишини бу ишга сафарбар этдик. Ҳозирга қадар 14 та болалар ётоқхонаси тўлиқ таъмирланди. Сузиш ҳавзаси, спорт ўйингоҳи, тиббиёт пункти, 520 ўринли ошхона, овқат пишириш ва тайёрлаш электр ускуналари, эртаклар шаҳарчаси тўлиқ таъмирдан чиқди. Дилмурод Очилов, Абдурахмон Қаршиев, Бектош Очилов, Нодир Жўраев раҳбарлик қилаётган бригадалар жамоаси таъмирлаш ишларини намунали ўтказмоқда, — дейди оромгоҳ раҳбари Н.Рўзиев.

Мавсумда оромгоҳни ишловчи-тарбиячилар, шифокорлар билан тўлиқ таъминлаш мақсадида туман халқ таълими бўлими, Қарши давлат педагогика университети билан туман марказий шифохонаси ўртасида шартномалар тузилган. Биринчи босқич июн ойи бошида бошланиб, унда 650 нафар бола қабул қилинади. Таътил мавсуми даврида Шаҳрисабз, Яккабоғ туманларидаги тарихий жойлар ва Китоб кенглик станциясига саёҳатлар уюштирилади.

Хайрулла ТЎРАЕВ.

ДАЪВО АРИЗАСИ ҚАНОАТЛАНТИРИЛДИ

Матбуот сўзининг таъсирчан кучи

«Ишонч»нинг шу йил 60-сонида чоп этилган танқидий мақолада тадбиркор маблағларидан унинг розилигисиз фойдаланиб бўлмаслиги, топширилган маҳсулот учун ўз вақтида ҳақ тўламаслик тадбиркорларни молиявий танг аҳволга солиб қўяётгани, оқибатда вилоятда кўплаб фермерлар маблағсиз қолаётгани хусусида мулоҳаза юритилганди. Мазкур чиқиш юзасидан таҳририятга жавоб келди. Унда жумладан, шундай дейилади:

«Қайд қилинган ҳолатлар вилоят адлия бошқармасининг навбатдан ташқари ҳайъат йиғилишида кўриб чиқилиб, Нуробод, Ургут ва Оқдарё туман ҳокимлари номига тақдимнома киритилди. Ҳозирги кунда ушбу туман ҳокимликлари томонидан унинг ижроси қаноатлантирилиб, аниқланган хато-камчиликлар бартараф қилинди ва келгусида бу камчиликларга йўл қўймаслик учун тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Шунингдек, акционер-тижорат «Пахтабанк»нинг Нуробод бўлимида банк томонидан мижозларга талаб қилиб олингунча депозит ҳисоб рақамларини очиш, микрокредит ва кредитлар ажратиш ҳамда улар фаолиятини банк томонидан текширишда айрим қонун бузилиш ҳолатларига йўл қўйиб келинаётганлиги аниқланган эди.

Ушбу ҳолатлар бўйича акционер-тижорат «Пахта банк»нинг Нуробод бўлими бошқарувчиси М.Тилавов огоҳлантирилди.

Оқдарё тумани ҳокимлиги ва тегишли идоралар мутасадди ходимлари томонидан ҳам айрим тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишда айрим хатоликларга йўл қўйилаётгани ўз исботини топди.

Бу бўйича аризачи С.Арзимуродованинг қонуний манфаатларини кўзлаб, жавобгар А.Тошпўлатов (хўжалик бош ҳосилоти) ҳисобидан етказилган 100000 сўм маънавий зарарни ундириш тўғрисида Иштихон туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судига даъво аризаси киритилган эди. У ҳам қаноатлантирилди.

Йўл қўйилган бошқа камчилик ва нуқсонлар туман ҳокимлигининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари А.Бегимқулов, қишлоқ хўжалик масалалари бўйича мутахассиси А.Бўтаев ва хусусийлаштириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Т.Ширинов ларни МЖКнинг 198-моддаси талаблари асосида маъмурий жавобгарликка тортиш ҳақида Оқдарё туман жиноят ишлари бўйича судига таклиф киритилди.

Суднинг 2002 йил 29 апрелдаги қарори билан А.Бўтаев энг кам иш ҳақининг бир баробари, Т.Ширинов икки баробари, А.Бегимқулов икки баробари миқдорида жаримага тортилдилар.

Ўтган давр мобайнида «Булунғур шароб-1» ОАЖ 5,9 миллион сўм, «Улуғбек шароби» ОАЖ 61,2 миллион сўм, «Жомбой пахта заводи» ОАЖ 12,3 миллион сўм хўжалик юритувчи субъектлардан қарздорлиги аниқланиб, натижада Пастдарғом туманидаги 163 та, Жомбой туманидаги 43 та, Булунғур туманидаги 234 та фермер ва ижарачиларнинг қонуний манфаатларини кўзлаб, даъво аризалари киритилди ва суднинг қарорлари билан даъволар тўлалигича қаноатлантирилди.

Мақолада қайд қилинган масалалар юзасидан ҳозирги кунда ҳам тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Т.МАМАДАЛИЕВ,
Самарқанд вилоят ҳокимлигининг котибият мудири.

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Андижон вилоят касаба уюшмалари Кенгаши ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда Меҳнат қонунлари ва бошқа меъёрий ҳужжатларни чуқур ўрганиш бўйича ўқишлар ташкил этилди.

Ҳар жума куни ўтказиладиган машғулотларда касаба уюшмалари тармоқ қўмитаси раислари, бўлим мудирлари, мутахассис ходимлар фаол қатнашишмоқда.

Тадбир

Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш учун 33 соат, Меҳнат қонунларини ўрганишга эса 16 соат ажратилган. Шунингдек, дарсларда жамоа шартномаси, меҳнат муҳофазаси, фуқароларнинг иқтисодий-ижтимоий ҳимояси, техника хавфсизлиги, давлат ижтимоий таъминоти, суғурта масалалари чуқур ўрганилмоқда. Машғулотлар савол-жавоб ва семинарлар тарзида олиб борилмоқда.

Ушбу тадбир ҳуқуқий маданиятни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

С. РЎЗИМАТОВ,
«Ишонч» мухбири.

Ризқ-рўзимиз бўлган ғалла ҳосилини нест-нобуд қилмасдан йиғиштириб олиш энг долзарб вазифа. Бу борада Мирзачўл тумани қишлоқ хўжалик техникалари таъминоти ва таъмирлаш акционерлик жамиятида пухта тайёргарлик кўрилди. Хусусан, мавжуд 21та «КЭЙС-23-66» русумли комбайнларни таъмирлаш ва ғалла ўримига тайёрлаш ишлари намунали тарзда амалга оширилди.

Суратларда: жамият мутахассислари ишчилар билан суҳбатда; пайвандчи Жалғоз Жомутбоев.

Б.НОРҚУЛОВ
олган суратлар.

«КАМАЛАК ЖИЛОСИ»

Андижон вилояти меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ўртасида «Камалак жилолари» деб номланган танлов ўтказилди. У «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлими, Миср Араб Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси ва Ўзбекистон Бадиий академияси томонидан ташкил этилди.

Танловда расмлар ва болалар ижодиётининг бошқа намуналари намойиш этилди. Танлов якунларига кўра Андижон шаҳридаги 2-меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари биринчи ўринни эгаллади. Алия Мирбобоева эса ғолиб деб топилди.

Мамлакатимизда микроскоплар ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Тез орада 200 та шундай асбоб ишлаб чиқарилади. Чирчиқдаги «Дека», Самарканддаги «Эл» ва «Кинап» қўшма корхоналари шу ишга бел боғлади.

МИКРОСКОП ОСТИДА НИМАЛАР КЎРИНАДИ?

Ишлаб чиқариш ҳамкорлиги уларга замонавий хорижий технология ва инвестицияларни жалб этган ҳолда мураккаб техника ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш имконини берди. Масалан, «Дека» корхонаси оптик ойналар ишлаб чиқариш билан шуғулланмоқда. Қолганлар эса бошқа технологик қисмларни тайёрламоқда. Мазкур линзалардан йиғилган микроскоплар буюмни 400 марта катталаштириб кўрсатади. Бу микроскоплар, асосан, ўқув муассасалари учун мўлжалланган. Айни пайтда улар ишлаб чиқаришда ҳам қўл келиши мумкин. Улар ёрдамида турли қотишмалар таркибини, баъзи маҳсулотлар сифатини аниқлаш мумкин.

«Дека» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси турли хил асбоблар ишлаб чиқармоқда. Кадаскоп шулар жумласидандир. Бу асбоб ёрдамида турли жадваллар, расмлар, оқ-қора ва рангли суратларни экранга чиқариш мумкин. Шунингдек, турли газ анализаторлар, филтрлар, оптик маҳсулотлар ҳам тайёрланмоқда.

(ЎзА).

ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТОРЛАРИГА

Мамлакатимизда базавий тармоқ корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш изчил амалга оширилмоқда. Бу жараённи янада жадаллаштириш ва чуқурлаштириш корхоналарнинг инвестицияга жалб этувчанлигини ошириш, хориж сармоясини соҳага тўғридан тўғри киритишнинг қулай шаклларидан фойдаланишни йўлга қўйишни тақозо этади. Бу борада Вазирлар Маҳкамаси 2002 йил 26 мартда қабул қилган «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастурлари амалга оширилишини, хорижий инвестицияларни жалб этиш фаоллаштирилишини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарор муҳим аҳамият касб этмоқда.

Унда, аввало, хусусийлаштирилаётган корхоналарда акцияларнинг давлат улушини сотиш тажрибасини давом эттириш кўзда тутилган. Акциялари сотувга қўйилган, лекин икки йил мобайнида сотилмаган корхоналар ҳам ҳали кам эмас. Бундай корхоналарнинг (якка тартибда акциялаштириладиган корхоналардан ташқари) акцияларини сотишда, уларни молиявий соғломлаштириш бўйича сармоядорлар томонидан бизнес-режалар тақдим этилган тақдирда, инвестиция мажбуриятлари қиймати объектнинг нархига қўшиб ҳисобланиши белгиланган.

Бундан ташқари, инвесторларнинг корхонани молиявий соғломлаштириш бўйича аниқ бизнес-режа ва инвестиция мажбуриятлари бўлса, сотиб олинаётган корхона учун тўланадаган маблағни тўлаш муддатини беш йилгача узайтириш кўзда тутилган.

Қарорда белгиланган шу каби кенг имкониятлар доирасида 539 йирик корхона активлари биржа ва биржадан ташқари бозорда хорижий сармоядорларга хусусий мулк сифатида сотилиши режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси матбуот котиби В.Саломовнинг маълум қилишича, «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг 70 фоиз, «Аммофос», «Навоийазот», «Электркимёсаноат» акциядорлик жамиятларининг 49 фоиз акциялари ўз харидорларини кутмоқда.

«Жиззах пластмасса», Самарқанд лифт ишлаб чиқариш заводи, талай автомобилларга газ тўлдириш ва ёқилғи қуйиш шохобчалари, пойтахтимиздаги «Тошкент», «Турон», «Шифокор», «Чорсу» каби йирик меҳмонхоналар эса чет эл инвесторларига тўла сотилади.

Меҳри БОЛЛИЕВА,
ЎзА мухбири

Термиз Агротадбиркорлик коллежига кўз тегди. «Таълим тўғрисида» ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» га амал қилиш директор (собик А. Хўжақулов) ва ўқитувчиларнинг ёдидан кўтарилди. Афтидан улар хуфёна бажараётган ишларимизни ҳеч ким билмайди, деган ўйга боришган бўлишса ажаб эмас.

ИМТИЁЗЛИ ДИПЛОМ «ҲАДЯ ЭТИЛДИ»

Алҳазар

— Коллежнинг 2000 йилда «Ветеринария» мутахассислиги бўйича давлат имтиҳонларини топширган битирувчиларига, «Ветеринария фельдшери» мутахассислиги дипломи бериш ҳақида қарор қабул қилинди. Унда талаба Малоҳат Аллашукуровага оддий диплом берилиши қайд этилди. Аммо коллежнинг «Ветеринария иқтисод» бўлимининг мудири Б. Жумаевнинг 2000 йил 3 июл куни директор номига ёзган билдириш хатига асосан, М.Аллашукуровага давлат имтиҳон комиссиясининг юқоридаги қарорига зид равишда, имтиёзли диплом берилди.

«Иқтисод» бўлими талабалари Муборак Саломова, Шоира Бозорова, Наргиза Ҳайдарова, Барчиной Шодиеваларнинг «қониқарли» баҳолари «аъло» га ўзгартирилиб, уларга ҳам имтиёзли диплом «ҳадя этилди».

Коллежда 2001-2002 йил учун ўқувчилар қабул қилишда ҳам комиссия раиси А. Хўжақулов ва маъсул котиб Х. Худойқуловлар «ҳийла ва найранг» ишлатдилар. Яъни, улар «Иқтисод» мутахассислиги бўйича 35,5 балл, «Муҳосиблик ҳисоби» мутахассислиги бўйича 29,2 бал, «Молия» мутахассислиги учун 45,8 балл белгиланган бўлса-да, баъзи абитуриентларнинг тўплаган баллари сунъий равишда юқори қилиб кўрсатилди. Хусусан, «Иқтисод»мутахассислиги бўйича Раҳматулла Тўраев, «Муҳосиблик ҳисоби» бўйича Раъно Нурова, Жанғил Тўраеваларнинг тўплаган баллари юқори кўрсатилиб, улар ноқонуний равишда ўқишга қабул қилиндилар.

Баъзи ҳолларда эса стипендия олиши лозим бўлмаган талабалардан У.Маматқулов, Т.Тиллаев, Б.Бўронов, З.Мўминов, О.Хўжақулов, Д.Ражабова, М.Хуррамовларнинг ўқув фанларидан олган баҳолари ўзгартирилиб, уларга ғайриқонуний тарзда стипендия тайинланди.

Энг ёмони коллеж директори А.Хўжақулов, шартнома билан ўқийдиган М.Хўжамуродов, И.Абдурахмонов, У.Дуланаев, Н.Абсаломова, Н.Менгнорова, С.Ғаффарова, Д.Абдурахмонов, У.Холматов каби талабаларнинг оилавий шароити яхши, ота-оналари ҳаёт бўлишига қарамай, ҳуқуқбузарликка қўл урдилар. Яъни, юқоридаги талабаларнинг ота-оналари йўқ, оилавий шароити оғир, деб давлат гранти билан ўқишга ўтказилдилар. Оқибат натижада ноқонуний йўл тутганлар аттанг деб қолишди.

Равшан РИЗАҚУЛОВ,
Сурхондарё вилоят прокуратураси умумий назорат бўлими прокурори.

TV дастури

27 май-2 июн

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

ДУШАНБА, 27

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

Телетомошабинлар диққатига! «Ўзбекистон-1» телеканали ўз кўрсатувларини соат 15.00 дан бошлайди.
15.00 «Таҳлилнома».
15.45 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Умид юлдузлари».
16.05 Эстрада тароналари.
16.25 ТВ анонс.
16.30 «Ошин». Телесериал.
17.00 «Талабалик йилларим».
17.20 ТВ клип.
17.30 «Кино оламида».
17.55 ТВ маркет.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Оқ бўталоқ«. Мультфильм.
18.30 «Мулк».
18.45 «Бахтли воқеа». Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Универсиада - 2002» спорт ўйинларининг тантанали очилишига бағишланган бадиий спорт байрами. Бухоро шаҳридан олиб кўрсатилади (ёзиб олинган)
22.30 2002 йил - Қарияларни қадрлаш йили. «Париси бор уй».
23.00 «Ахборот - дайжест».
23.20-23.25 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр тонги.
10.00 «Янги авлод» студияси:
10.20 «Қундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
10.35 Якшанбада кўришгунча.
10.50 Мусиқий лаҳзалар.
11.00 «Давр ҳафта ичида».
11.30 Жаҳон жуғрофияси.
12.20 Саломатлик сирлари.
12.40 Давр-news.
13.00 Саид Аҳмад. «Келинлар қўзғолони». Спектакль. 1-қисм.
14.10 Кўҳна оҳанглар.
14.25 «Келинлар қўзғолони». Спектакль. 2-қисм.
15.25 Спорт ҳафтаномаси.
15.40 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.
16.30 «Озод юртнинг умид юлдузлари» («Ўзбектелефильм»)
17.00 Кўрсатувлар дастури.
17.05 «Янги авлод» почтаси, «Ҳамма нарсани билишни истайман».
17.30 «Қундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
17.45 Сўнгги қўнғироқ.
18.00 Ватан манзаралари.
18.20 Оқшом наволари.
18.35 Хоразм телерадиокомпанияси тақдим этади: «Хива-шарқ гавҳари».
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Давр-интервью.
19.55 «Универсиада-2002» кундалиги.
20.05 Ўзбек мумтоз мусиқасидан.
20.10 Оддий одамлар.
20.30 Муҳаббат қўшиқлари.
20.50, 21.25, 22.35 Эълонлар
20.55 «Эсмеральда». Телесериал.
21.30 Ёшлар овози.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: «Нокаут».
23.30 «Давр». Ахборот дастури.
23.45-23.50 Хайрли тун!

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
18.00 Болажонлар экрани. Мульттўплам.
18.10 «Шаҳримиз дурдоналари».
18.25, 20.00, 21.30, 22.35 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.45 «Санъатга бахшида умр».
19.05 «Туризм ҳақида».
19.35, 21.15, 22.20 «Экспресс» телегазетаси.
19.50 «Эҳтиром ила».
20.30 ТТВда сериал: «Бебилиска пул».
21.50 «Нима учун?»
23.00 Кинонигоҳ. «Одри Хепберн тарихи». 2-қисм.
23.35-23.40 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30-8.00
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Вести».
16.25 «Қайсарлар ва довюраклар». Сериал.
17.15 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
17.25 Е. Петросяннинг «Кулгу панорамаси».
17.55 «Оилавий ришталар». Сериал.
18.50 Пласидо Доминго. Концерт дастури.
20.00 «Время».
20.35 «Дилбарларим ва дилбандларим». Сериал.
21.15 «Тарих кўзгуси». Кюдзе Като.
21.35 Кинематограф. «Аггира». Бадиий фильм.
23.00 «Ахборот» (рус тилида)
23.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЧОРШАНБА, 29

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 -8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Қуш ҳам эмас, ҳайвон ҳам». Мультфильм.
9.10 «Кўҳна замин оҳанглари».
9.40 «Портретга чизгилар».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 Алифбо сабоқлари.
10.25 «Кўк қуш». Бадиий фильм.
12.05 «Баркамол авлод орзуси».
12.25, 16.55 ТВ анонс.
12.30 «Хуш кайфият».
13.00 «Ошин». Телесериал.
13.30 «Универсиада -2002» спорт ўйинларининг кундалиги.
14.10 «Остонаси тиллодан».
14.30 Кундузги сеанс: «Алп йигитнинг уйланиши». Бадиий фильм.
15.35 ТВ клип.
15.45 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.
16.05 «Ягона оилада».
16.35 «Таянч нуқтаси».
Болалар сайёраси:
17.00 1. «Шоирлар болаларга». 2. «Қувноқ шаҳарча». Телевизион ўйин.
18.10 «Ўзбекистон: XXI аср ёшлари».
18.30 «Умид» телелотореяси.
19.10 «Асака мўъжизаси».
19.20 Бир жуфт қўшиқ.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Киноконцерт.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ҳамроз билан». О. Ҳакимов.
21.40 «Универсиада - 2002» спорт ўйинларининг кундалиги.
22.10 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба: «Ошин». Телесериал премьераси.
22.40 «ТВ клуб».
23.05 «Ахборот -дайжест».
23.25-23.30 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» почтаси, «Ҳамма нарсани билишни истайман».
9.40 «Қундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
9.55 Сўнгги қўнғироқ.
10.10 Бизнес-академия.
10.25 «Эсмеральда». Телесериал.
10.55 ТВ-саёҳат.
11.15 Мусиқий лаҳзалар.
11.25 «Универсиада - 2002». Спорт ўйинларининг очилишига бағишланган бадиий спорт байрами. Бухоро шаҳридан олиб кўрсатилади (ёзиб олинган)
12.55 Кўҳна оҳанглар.
13.05 Интерфутбол.
14.45 Ёшлар овози.
15.05 «Девона». Бадиий фильм. 1-қисм.
16.25 Кўрсатувлар дастури.
16.30 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар».
16.50 «Қундуз аманининг ҳикоялари». Мульсериал.
17.05 Бутунжаҳон тамакига қарши кураш куни олдидан «Чекиш-соғлиққа зарар».
17.15 Таянч.
17.40 Сўнгги қўнғироқ.
17.55 Минг бир маслаҳат.
18.15 Автопатруль.
18.35 Сифат белгиси.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Давр-интервью.
19.55 «Универсиада-2002» кундалиги.
20.05 Ўзбек мумтоз мусиқасидан.
20.10 Оддий одамлар.
20.30 Муҳаббат қўшиқлари.
20.50, 21.25, 22.35 Эълонлар
20.55 «Эсмеральда». Телесериал.
21.30 Ёшлар овози.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида -23.50 «Давр». Ахборот дастури.
00.55-1.00 Хайрли тун!

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Санта»Барбара».
18.00 Болажонлар экрани. Мульттўплам.
18.25, 20.00, 21.30, 22.25 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.45 ТТВда сериал: «Бу ҳам кино». 10-қисм.
19.10 «Мусиқий меҳмонхона».
19.35, 21.15, 22.10 «Экспресс» телегазетаси.
19.50 ТТВда мусиқа.
20.30 ТТВда сериал: «Бебилиска пул».
21.50 «Ўзбегим навоси».
22.50 Кинонигоҳ. «Одри Хепберн тарихи». 3-қисм.
23.25-23.30 Хайрли тун, шаҳрим.

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30-8.00
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Вести».
16.25 «Қайсарлар ва довюраклар». Сериал.
17.15 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
17.25 «Машҳурлар».
18.00 «Оилавий ришталар». Сериал.
19.00 «Рус рулеткаси». Телеўйин.
20.00 «Время».
20.35 «Дилбарларим ва дилбандларим». Сериал.
21.15 «Евроньюс видеожурнали».
21.35 Кинематограф. «Сотқинлар хиёнаткорларга қарши». Бадиий фильм.
23.15 «Ахборот» (рус тилида)
23.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ПАЙШАНБА, 30

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
Болалар сайёраси:
9.00 1. «Шоирлар болаларга». 2. «Қувноқ шаҳарча». Телевизион ўйин.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Малласоч хоним». Бадиий фильм.
11.20 «Мусиқа: кеча ва бугун».
11.40 Болалар учун. «Фламинго».
12.05 «Ўзбекистон: XXI аср ёшлари».
12.25 «Ҳамроз билан». О. Ҳакимов.
13.00 «Ошин». Телесериал.
13.30 «Универсиада - 2002» спорт ўйинларининг кундалиги.
14.10 «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи».
15.10 «Китоб жавонингизга».
15.30 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Чортоқ«.
15.40 «Депутат».
16.00 «Куйла, ёшлигим».
16.20 «Интилганга толе ёр».
16.40 ТВ анонс.
16.45 «Харита». Халқаро шарҳ.
Болалар сайёраси:
17.00 1. «Цирк, цирк, цирк». 2. «Ҳазил, ҳажв, ҳангома».
18.10 «Ажаб саодат эрур».
18.30 «Яхши ният». Телелотерея.
19.05 «Инсон ва қонун».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.55 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Бойсун баҳори». 1-қисм.
21.45 «Универсиада-2002» спорт ўйинларининг кундалиги.
22.15 «Парламент вақти».
22.35 «Йўл бошида».
22.55 «Кавингтон Кросс». Телесериал.
23.45 «Ахборот-дайжест».
00.05-00.10 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Келинг, танишайлик», «Шум болалар».
9.45 «Қундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
10.00 Сўнгги қўнғироқ.

17.40 Сўнгги қўнғироқ.
17.55 Фарзандим-жигарбандим.
18.10 Чемпион сирлари.
18.30 Оқшом наволари.
18.40 Каталог.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Сийрат.
20.00 Спорт-лото.
20.10 Очил дастурхон.
20.25 «Универсиада-2002» кундалиги.
20.35 «Ёр ишқи». Мусиқий дастур.
20.50, 21.25, 22.35 Эълонлар
20.55 «Эсмеральда». Телесериал.
21.30 Ёшлар овози.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида -23.50 «Давр». Ахборот дастури.
00.55-1.00 Хайрли тун!

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Санта»Барбара».
18.00 Болажонлар экрани. Мульттўплам.
18.25, 20.00, 21.30, 22.25 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.45 ТТВда сериал: «Бу ҳам кино». 11-12-серия.
19.35, 21.15, 22.15 «Экспресс» телегазетаси.
19.50 «Жозиба».
20.30 ТТВда сериал: «Бебилиска пул».
21.50 «Камолот фасли».
22.30 «Соғинч».
23.00 Кинонигоҳ. «Галатепалик авлиё».
23.25-23.30 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30-8.00
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Вести».
16.25 «Қайсарлар ва довюраклар». Сериал.
17.15 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
10.15 Тафаккур ёлқинлари.
10.30 «Эсмеральда». Телесериал.
11.00 «Универсиада-2002» кундалиги.
11.10 Мусиқий лаҳзалар.
11.20 Спорт қитъаси (рус тилида)
11.45 Сенинг вақтинг (рус тилида)
12.05 Бутунжаҳон тамакига қарши кураш куни олдидан «Чекиш-соғлиққа зарар».
12.15 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.
13.00 Ёшлар овози.
13.20 Кўҳна оҳанглар.
13.25 Сийрат.
13.45 Сифат белгиси.
13.55 Интерфутбол.
15.30 «Бувам, Килиан ва мен». Бадиий фильм.
16.50 Кўрсатувлар дастури.
16.55 «Янги авлод» студияси: «Спорт майдончаси», «Болалар учун концерт».
17.20 «Оби ҳаёт». Экологик тележурнал.
17.35 Сўнгги қўнғироқ.
17.50 Огоҳ.
18.05 Аскар мактублари.
18.25 Табобат оламида.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 «Давр»-интервью.
19.55 Кўҳна оҳанглар.
20.05 «Универсиада-2002» кундалиги.
20.15 Мезон.
20.35 Ёшлик наволари.
20.50, 21.25, 22.35 Эълонлар
20.55 «Эсмеральда». Телесериал.
21.30 Ёшлар овози.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалида спорт: «Ринг қироллари».
00.05 «Давр». Ахборот дастури.
00.20 «Йиртқичлар». Ҳужжатли фильм.
1.10-1.15 Хайрли тун!

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Санта-Барбара» (якунловчи)
18.00 Болажонлар экрани. Мульттўплам.
18.25, 20.00, 21.30, 22.35 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.45 ТТВда сериал: «Бу ҳам кино». 11-12-серия.
19.35, 21.15, 22.15 «Экспресс» телегазетаси.
19.50 «Жозиба».
20.30 ТТВда сериал: «Бебилиска пул».
21.50 «Камолот фасли».
22.30 «Соғинч».
23.00 Кинонигоҳ. «Галатепалик авлиё».
23.25-23.30 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30-8.00
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Вести».
16.25 «Қайсарлар ва довюраклар». Сериал.
17.15 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
17.25 «Дурдаршан».
17.50 Футбол бўйича Жаҳон чемпионатининг тантанали очилиши. Франция -Сенегал терма жамоалари. Кўрсатув Жанубий Кореядан олиб кўрсатилади.
20.00 «Время».
20.30 «Мўъжизалар майдони».
21.30 «Оханрабо». Мусиқий дастур.
22.10 «Кун мавзуси».
22.30 Кинонинг олтин асри: «Бренда Старр». Бадиий фильм.
23.55 «Ахборот» (рус тилида)
00.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ШАНБА, 1

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

«БОЛА КУЛСА - ОЛАМ КУЛАР!» Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган узлуксиз теледастур.
1-июнь - бутун дунё болаларининг байрами.
Шу муносабат билан «Ўзбекистон» телеканали ижодкорлари ҳам ёш томошабинлар учун оқшомгача давом этадиган теледастур тайёрламоқдалар. Дастурдан ўрин олган. »Гулғунчалар», «Маҳалламиз болалари», «Мўъжизалар майдончаси», «Ягона оилада», «Миттивойлар оиласи», «Юлдуз бўлишни хоҳлайман» каби ранг-баранг кўрсатувлар, ажойиб куй ва қўшиқлар , қизиқарли ҳангомалар, сиз азиз болажонларга манзур бўлади, деб ўйлаймиз. Шунингдек, янги кўпсерияли «Покахонтос» мультфильми ҳамда «Кичкина малика» бадиий фильмининг премьераси болалар учун ажойиб байрам совғаси бўлади, деган умиддамиз.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Соғлом она - соғлом бола».
Спорт дастури
21.25 «Универсиада-2002» спорт ўйинларининг кундалиги.
21.55 Футбол бўйича жаҳон чемпионатининг кундалиги.
22.10 «Юлдуз бўлишни хоҳлайман». Байрам шоу-дастури.
23.35 «Ахборот-дайжест».
23.55 «ТВ-альманах».
00.15-00.20 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Давр тонги».
9.00 «Янги авлод» студияси: Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига «Дунё ва болалар».
9.25 Табобат оламида.
9.45 «Эсмеральда». Телесериал.
10.15 «Универсиада-2002» кундалиги.
10.35 Ёшлар овози.
10.55 Огоҳ.
11.10 Сўнгги қўнғироқ.
11.25 Мусиқий лаҳзалар.
11.30 Футбол. Жаҳон чемпионати. Ирландия-Камерун.
13.20 ТВ-анонс.
13.30 Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни. «Бола тилидан».
14.00 Футбол. Жаҳон чемпионати. Уругвай-Дания.
15.50 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус».
16.15 «Буюк ипак йўли оҳанглари».
16.30 Футбол. Жаҳон чемпионати. Германия-Саудия Арабистони.
18.20 Кўрсатувлар дастури.
18.25 Кинотақдим.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Каталог.
19.50 Ўзбек мумтоз мусиқасидан.
19.55 Давр-интервью.
20.10 «Универсиада-2002» кундалиги.
20.20 Аёл қалби наволари.
20.35 Кутилмаган меҳмон.
20.55, 21.45, 22.35 Эълонлар
21.00 Жюли Леско». Бадиий фильм. 5 қисм.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.40 Тунги тароналар.
22.50 «Ёшлар» телеканалида спорт: Футбол. Жаҳон чемпионати.
00.40-00.45 Хайрли тун!

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 «Мультчархпалак».
17.40 «Жаҳон географияси».
18.40 «Ташриф».
19.00, 20.20, 21.15 «Экспресс» телегазетаси.
19.15 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.35 «Мисли гавҳар».
19.50 «Нима учун?»
20.35 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
21.30 «Ҳамшаҳарлар».
21.50 Кинонигоҳ. «Аёл тақдири». 1-2 қисмлар
23.50-23.55 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «ТВ-4да мусиқа».
9.10 Е. Петросяннинг «Кулгу панорамаси».
9.45 «Лаззат».
10.05 «Ҳайвонот олами».
10.45 «Сиҳат- саломатлик».
11.20 «CFI янгиликлари».
11.35 «Инглиз тили Сиз учун».
12.00 «Менинг шаҳрим».
12.20 Дўстлик видеоканали: «Умид», «Чинсэн», «Бизнен мирас».
13.20 «Немис тили».
13.50 Футбол. Жаҳон чемпионати. Уругвай-Дания терма жамоалари учрашуви. Жанубий Кореядан олиб кўрсатилади.
*
17.25 «Биз анойи эмасмиз». Ҳажвий кўрсатув.
18.00 «Оилавий ришталар». Сериал.
20.00 «Время».
*
20.35 «Дилбарларим ва дилбандларим». Сериал.
21.15 «Ишбилармон кишилар»
21.40 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
21.50 Кинематограф. «Голливуд тарихи». Бадиий фильм.
23.20 «Ахборот» (рус тилида)
23.50 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЖУМА, 31

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
Болалар сайёраси:
9.00 1. «Цирк, цирк, цирк». 2. «Ҳазил, ҳажв, ҳангома».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Инсон ва қонун».
10.25 Кундузги сеанс : «Малина виноси». Бадиий фильм.
11.55, 14.30, 15.55 ТВ анонс.
12.05 «Йиллар ва йўллар».
12.25 «23,5 даражали бурчак остида». Телесериал премьераси. 81-қисм.
12.50 «Бойсун баҳори». 1-қисм.
13.30 «Универсиада-2002» спорт ўйинларининг кундалиги.
14.10 «Озод юрт одамлари».
14.35 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Сурьат Пўлатов». Премьера.
15.05 «Ўзбекистон - Ватаним маним».
15.35 «Парламент вақти».
16.00 «Фарзанд - умид юлдузи».
16.30 ТВ клип.
16.40 «Ҳуқуқ сабоқлари».
Болалар сайёраси.
17.00 «Ўйла, изла, топ». Телемусобақа.
17.40 «Нурли манзиллар».
18.10 «Тафсилот».
18.25 «Омад қувончи». Телелотерея.
19.05 «Сиҳат-саломатлик».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Бир жуфт қўшиқ.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Бойсун баҳори». 2-қисм.
21.45 «Универсиада - 2002» спорт ўйинларининг кундалиги.
22.15 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба: «Ошин». Телесериал премьераси.
22.45 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.
23.05 «Ахборот - дайжест».
23.25-23.30 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Спорт майдончаси», болалар учун концерт.
9.40 Сўнгги қўнғироқ.
9.55 «Давр»-интервью.
10.10 «Эсмеральда». Телесериал.
10.40 «Универсиада-2002» кундалиги.
10.50 Мезон.
11.10 Болалар экрани: «Арабелла - қарокчи қизи».
12.20 Ёшлар овози.
12.40 Бутунжаҳон тамакига қарши кураш куни «Чекиш-соғлиққа зарар».
12.50 Минг бир маслаҳат.
13.10 «Жюли Леско». Бадиий фильм 3, 4 қисмлар.
14.40 Кўҳна оҳанглар.
14.50 Кўли гул уста.
15.10 Саломат бўлинг.
15.30 «Янги авлод» студияси: Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига «Дунё ва болалар».
15.55 Ёшлар овози.
16.15 Ҳуқуқ ва бурч.
16.30 Футбол. Жаҳон чемпионати. Франция-Сенегал.
18.20 ТВ-анонс.
18.30 Сўнгги қўнғироқ.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Аср қиёфаси.
20.00 Ўзбек мумтоз мусиқасидан.
20.05 «Универсиада-2002» кундалиги.
20.15 «Ёшлар» телеканали ва Навоий вилояти телерадиокомпанияси тақдим этади: «Жараён».
20.40, 21.15, 22.35 Эълонлар
20.45 «Эсмеральда». Телесериал.
21.20 «Бунёдкор» ёшлар телеклуби.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.40 «Ёшлар» телеканалида спорт: 1. Футбол бўйича жаҳон чемпионатининг тантанали очилиш маросими. 2. Футбол. Жаҳон чемпионати. Франция-Сенегал (ёзиб олинган)
1.00-1.05 Хайрли тун!

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 Болажонлар экрани. «Аччиқ данак».
18.25, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.45 ТТВда сериал: «Бу ҳам кино». 13-14 сериялар.
19.35, 21.15, 22.00 «Экспресс» телегазетаси.
19.50 Мусиқий танаффус.
20.30 ТТВда сериал: «Бебилиска пул».
21.45 «Саломатлик маскани».
22.15 «Кўркам-ўлкам».
22.55 Кинонигоҳ. «Серенада».
23.25-23.30 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30-8.00
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Вести».
16.25 «Қайсарлар ва довюраклар». Сериал.
17.15 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
17.25 «Дурдаршан».
17.50 Футбол бўйича Жаҳон чемпионатининг тантанали очилиши. Франция -Сенегал терма жамоалари. Кўрсатув Жанубий Кореядан олиб кўрсатилади.
20.00 «Время».
20.30 «Мўъжизалар майдони».
21.30 «Оханрабо». Мусиқий дастур.
22.10 «Кун мавзуси».
22.30 Кинонинг олтин асри: «Бренда Старр». Бадиий фильм.
23.55 «Ахборот» (рус тилида)
00.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЯКШАНБА, 2

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.10 «Ғаройибот».
9.30 «КОАПП». Мультфильм.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Она меҳри».
Болалар сайёраси:
11.20 «Маҳалламиз болалари».
12.10 «Пазандалик сирлари».
12.20 Кундузги сеанс: «Замонлар оша-1». Бадиий фильм.
14.00 «Юлдуз бўлишни хоҳлайман». Байрам-шоу дастури.
15.20 «Дунё эшиклари очилди бизга».
«Адабий жараён»:
15.40 1. «Ёзувчи ва замон». 2. «Дунё адабиёти». 3. «Шеър ва шуур».
16.20 «Қорақалпоқнома».
16.45 «Бу қадим йўлларда».
17.00 «Оқ олтин». Телелоторея.
17.40 «Қалб гавҳари».
18.00 «Талабалик йилларим».
18.20 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
18.45 «Қўшиғимиз сизга армуғон».
19.05 «Тўртинчи ҳокимият».
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида)
20.05 Эстрада тароналари.
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Универсиада - 2002» спорт ўйинларининг тантанали ёпилишига бағишланган бадиий спорт байрами. Бухоро шаҳридан олиб кўрсатилади (ёзиб олинган)
22.40 Футбол бўйича жаҳон чемпионати кундалиги.
Якшанба кинозали:
22.55 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба: «Замонлар оша-2. Бадиий фильм.
00.35-00.40 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Давр тонги».
8.50 «Янги авлод» студияси: «Ким эпчил-у? Ким чаққон?»
9.15 Мультфильм.
9.35 Давр-интервью.
9.50 «Рамаяна». Телесериал.
10.25 ТВ-анонс.
10.30 Футбол. Жаҳон чемпионати. Аргентина-Нигерия.
12.20 «Универсиада-2002» кундалиги.
12.30 Футбол. Жаҳон чемпионати. Парагвай-ЖАР.
14.20 Кўҳна оҳанглар.
14.30 Футбол. Жаҳон чемпионати. Англия-Швеция.
16.20 Мусиқий лаҳзалар.
16.30 Футбол. Жаҳон чемпионати. Испания-Словения.
18.20 Кўрсатувлар дастури.
18.25 «Хўжамқул ва унинг шогирдлари» («Ўзбектелефильм»)
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр» - news.
19.20 Ёшлик наволари.
19.35 Ҳандалак.
19.55, 20.45, 22.30 Эълонлар
20.00 «Жюли Леско». Бадиий фильм. 6 қисм.
20.50 «Заковат». Интеллектуал ўйини.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр ҳафта ичида».
22.35 Тунги тароналар.
22.45 «Ёшлар» телеканалида спорт: Футбол. Жаҳон чемпионати.
00.35-00.40 Хайрли тун!

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
19.05, 21.25, 22.40 «Экспресс» телегазетаси.
19.20 «Жаҳон географияси».
20.20 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
21.00 «Пойтахт шарҳи».
21.40 «Телефакт».
21.50 «Камолот фасли».
22.20 «Спорт-клуб».
22.55 Кинонигоҳ. «Ясмин».
00.55-1.00 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

9.30 Кўрсатувлар тартиби.
9.35 «ТВ-4да мусиқа».
9.45 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
9.55 «Парле ву франса?»
10.20 Футбол. Жаҳон чемпионати. Аргентина -Нигерия терма жамоалари. Японияда олиб кўрсатилади.
12.30 «Кайфият». Информацион дам олиш дастури.
14.00 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
14.20-15.20 «Дўстлик» видеоканали: «Рангинкамон», «Дидар», «Озарбайжон тухфаси».
16.35 Кўрсатувлар тартиби.
16.40 «Мульттақдим».
17.00 «Соккер клуб».
17.20 «Ҳазил кетидан ҳазил». Ҳажвий кўрсатув.
17.55 Георгий Вицин «Заҳирадаги ўйинчи» комедиясида.
19.35 «Бизнес-ревью».
19.40 «Ўз-ўзига режиссёр».
20.20 «Британия кундалиги».
20.35 «Тенгдошлар».
21.00 «7 кун». Ҳафта якунлари.
21.25 «Олтин микрофон». Мусиқий дастур.
21.55 Кинопрофи.
22.15 Кинематограф. «Учинчиси ортиқча эмас». Бадиий фильм.
23.25 «Таҳлилнома».
00.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

Халқ ижодиёти

ФОЛЬКЛОР ЖАМОАЛАР ТАНЛОВИ

Бухоро вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси қадимий анъаналаримизни тиклаш, бой маданий меросимизга нисбатан ёшлар қалбида юксак ҳурмат-эҳтиром туйғуларини уйғотиш мақсадида кўплаб хайрли ишларни амалга оширмоқда.

Яқинда Бухоро шаҳрида вилоят тармоқ ходимлари касаба уюшма қўмитаси ташаббуси билан халқ ижодиёти жамоаларининг кўрик-танлови бўлиб ўтди. Қарияларни қадрлаш йилига бағишланган мазкур тадбирда соҳа ходимларидан ташкил топган фольклор жамоалари қатнашдилар.

Иштирокчилар миллий маданиятимизнинг ўзига хос жиҳатларини ажойиб саҳна кўринишлари орқали юксак маҳорат билан намойиш этдилар. Малакали ҳакамлар ҳайъати томонидан жамоаларнинг ҳар бир бадиий чиқиши, ижрочилик маҳорати муносиб тарзда баҳолаб борилди.

Кўрик-танлов якунига кўра, умумжамоа ҳисобида Бухоро шаҳар Файзулла Хўжаев туман таълим ва фан ходимлари гуруҳи ғолибликни қўлга киритишди. Кейинги ўринлар Ғиждувон ва Қоровулбозор туманлари жамоаларига насиб этди. Тадбир якунида танлов иштирокчилари ижросидаги ажойиб куй-қўшиқлар, рақслар томошабинларда катта таассурот қолдирди.

У.НАВРЎЗОВ,
«Ишонч» мухбири.

Фазилат

Хушхабар етаклаб келган меҳмонларни эшиккача кузатиб чиққан Вера Борисовна уларга самимий сўзлар учун яна бир бор миннатдорчилик билдириб хайрлашди. Уйга кирганида, дераза ёнига қўйилган карама-карши ўриндиқда икки дўст — ўғли Вадим ва уни қутлаш учун Тошкенти азимдан атайин учиб келган Радик берилиб нималар ҳақидадир гурунглашиб ўтиришарди.

БОҒ ОРТИДАГИ УЙ

— Ойинг менга қилган яхшиликларни ўла-ўлгунимча эсдан чиқармайман, - дерди Радик ич-ичидан тошиб чиқаётган ҳароратдан ўзини қўярга жой тополмайдиган бир ҳолатда. - Ўша қаҳратон қиш ёдингдами? Тағин ҳам болалар чидашар экан, ҳозир ўйласам кўзларимда ёш қалқийди...

Нукус педагогика институтининг «Табиий география» факультетини битириб, Хивадаги Пушкин номли мактабга йўлланма олган Вера 24 йил мобайнида нималарни кўрмади дейсиз. Ўша изғиринли, туфласанг туфугинг ерга тушмай муз қотадиган кунларни ҳам бот-бот ёдга олади. Ўқувчиларнинг устбоши юпун, шу боисданми айниқса бошланғич синфларда давомат пасайиб кетган эди.

Нима қилиш керак? Менга нима, дея бир чеккада томошабин бўлиб туришга унинг ҳаққи йўқ, қолаверса, лоқайдлик табиатига мутлақо ёт — дарсдан сўнг кўринмай қолган саккиз ўқувчисининг уйига бирин-кетин кириб чиқди. Оиладаги аҳвол билан яқиндан танишди. Баъзи ота-оналар билан пича тушунтириш ишлари олиб борди ҳам. Эртасигаёқ 5-синфда давомат кескин кўтарилди. Ҳатто Радик Шамғунов деган ўқувчи ёзги очиқ туфли билан келибди.

Радикнинг онаси вафот этган, отаси эса касалманд, тез-тез шифохонада ётиб даволанар, шу боис бола кўпинча қаровсиз қоларди. Вера Борисовна катта танаффус пайти шу мактабда ўқийдиган ўғли Вадимни уйга юборди. Кейинги танаффусда эса меҳрибон муаллима ўз ўқувчиси Радикка ўғли келтирган кийимларни кийдириб, тамадди қилиб олиш учун мактаб ошхонасига етаклаб тушди. Шу кундан эътиборан бола Пак хонадонининг фаол аъзосига айланди.

— Ойимнинг одатлари қизиқ эди. Бизнинг кийимларимизни ночорроқ оила фарзандларига олиб бориб бераверарди, - дейди Вадим ўзининг болалик даврини эслаб.

Радик ҳам икки ой Вера Борисовнанинг уйида яшади. Кейин ғамхўр мураббия елиб-югуриб, уни «Меҳрибонлик уйи»га жойлаштирди. Агар умрни маржон тақилган тизимчага менгзаб, ҳар бир қилинган яхши амаллардан сўнг тугун ташлашни одат билганимизда, бундай тугунлар сони бошқаларга қараганда, Вера Борисовна Пакда сезиларли даражада кўпроқ бўлур эди. Шарқона болажонлик одатини ўзида тўла мужассам этолган саховатпеша мураббия ҳақида ўша пайтдаёқ вилоят газетасида «Ўзбеклашган корейс аёли» сарлавҳали лавҳа чоп этилгани ҳам бежиз эмас. У, айниқса, етим-есир, кам таъминланган оилада вояга етаётган болалар ёнидан бефарқ ўтолмасди. Бу ўзига хослик охир-оқибат унинг Хоразмда ягона бўлган «Меҳрибонлик уйи»га директор қилиб тайинланиши билан мантиқий хулоса топди.

Не-не тақдирли болаларга дуч келмади ўтган ўн етти йил ичида у. Бири шўх, бири бўз-баёв, яна бири ичимдагини топ. Ҳаммасига ўзига қараб муомалада бўлинмаса қийин. Яхшилик соғиниб турган кўнгил заҳа тортиб қолиши ҳеч гап эмас. Синган шиша бўлакларини қайта эритиб, шакл бериш мумкиндир, лекин инсоннинг йўриғи бўлак. Бир дарз кетса, қайтиб ўнгланмайди. Ўзи-ку ўзи, бошқаларни ҳам беҳаловат қилади.

«Меҳрибонлик уйи»да эса бир эмас, 130 бола ейманичаман, деб турибди. Айниқса, қизил салтанатнинг охирги йиллари оғир кечди. Қўл қовуштириб ўтиравер-санг, ҳолинг нима кечди, деб биров сўрамайди. Вера Борисовна ҳам ишни туман раҳбарлари эшигини тақиллатишдан бошлади. Ер ажратиб беринглар, ўқувчилар ошхонаси учун зарурий қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ўзимиз етиштирамиз, деди. Қорин ташвишидан-ку қутилди. Лекин кийим-кечак, идиш-товоқ, жорий таъмир деганларидек... Демак, ҳомий топиш керак. «Жанубгазқурилиш» трести ва вилоят касаба уюшмаларидан садо чиқди. «Меҳрибонлик уйи»га ҳануз ана шу ташкилотлар имкон даражасида кўмаклашиб туришибди.

Вера Борисовна директорликка янги тайинланган пайтда экилган ниҳоллар бугун қучоқ етмас дарахт бўлиб, ҳам соясидан, ҳам ҳосилидан бахраманд этмоқда. Бу орада қанча бола келиб, қанчаси ўз йўлини топиб кетди. Уй-жойли бўлди, бола-чақа ортдирди. Тўймаярака қилишса, албатта, мураббийларини унутишмайди, тўрга ўтқазиб, ҳурматини жойига қўйишади.

Чуқурроқ мушоҳада қилинса, кўрсатилаётган бу иззат-икром шунчаки шарқона лутф эмас. Бунинг замирида айтиб адоғига етиб бўлмас бир сир яширинган, бу «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчиларининг мураббияларига нисбатан беадад миннатдорчилик туйғуларининг ўзига хос ифодаси. Вера Борисовна улар учун ҳам она, ҳам ота ўрнини босадиган олижаноб инсон сиймосида бир умрга азизу мукаррамдир.

Бу бежиз эмас. Жуда кўплаб иқтидорли тарбияланувчиларини ўқишни давом эттириш учун қўлларидан етаклаб Урганчга, бундан буёғи Тошкентга олиб келиб, ҳужжатларини топширишдан тортиб, имтиҳондан ўтгунларига қадар елкадош бўлиб турган. Қувонсалар қувонган, хафаҳоллик чоғларида дардкашлик қилган. Раҳила Аминова, Руслан Қаршиев, Мансур Собиров, Умида Қобилова, Нафиса Қобилжонова... Улар кўп! Радик Шамғуновни ҳам ўзи пойтахтга олиб келган эди. Мана бугун у катта бир идора раҳбари.

— Ўзим Кўнғирот туманида, деҳқон оиласида туғилганман, - дейди Вера Борисовна. - Ота-онам жуда иноқ яшашган, одамларга ҳам ғоят меҳр-оқибатли эдилар. Оила деганда кўз олдимга биринчи навбатда ота-онам келади. Улар мен учун бахтли оила тимсоли бўлиб туюлади негадир. Бошқалар ҳам шундай кун кечиришини истайман. Ота-оналар ўз фарзандларига меҳр-оқибат кўрсатишини, болалар ўз ота-онаси бағрида улғайишини ҳохлайман. Меҳрибонлик уйларига эҳтиёж қолмаслигини ўйлайман.

Албатта, Вера Борисовна аёл сифатида ўзини бахтиёр ҳисоблаши мумкин. Бошида меҳрибон эри Владимир бор. Ўғли Вадим унинг изидан бориб, «Меҳрибонлик уйи»да ёнма-ён ишламоқда. Қизи Иннес институтни тугатгандан буён Тошкентда — заводда муҳандис. Яна бир ўғли Валерий эса доришунос, у ҳозир Жанубий Кореяда...

Лекин Вера Борисовнанинг кўнгли барибир безовта. Ўзи меҳр қўйиб тарбиялаётган болаларни ҳар кўрганда, уларнинг ўксик тўла кўзларига кўзи тушганда, мени қачон олиб кетишади, деган сўзларини эшитганда икки дунёси қоронғу бўлиб кетади. Ахир, бу норасидаларнинг айби нима? Ота-онадан жудо бўлганларни-ку овутиш мумкиндир, ота-онали тирик етимларнинг кўнглини топиш осон эканми?

— Яқинда телевидениеда ғалати гапни эшитиб қолдим. Бир аёл қайсидир бозорнинг чеккасига янги туғилган чақалоқни ташлаб кетибди. Ўшандан бери юрагимни ит тимдалайди: шўрлик гўдакнинг ҳоли энди не кечади?

Аждодлардан мерос ҳикмат бор: битта яхши одам қолгунча дунё тураверади. Вера Борисовна ҳам ана шундай одамлар сирасига киради: яхши одам. Ана шу яхши одам «Ўзбекистон Қаҳрамони» деган шарафли унвонга сазовор бўлганда, энг биринчи табрикни ҳам «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчиларидан эшитди. Уларни бир-бир бағрига босиб, ташаккур билдирар экан, кўзларида шукроналик ёшлари қалқиб, ёноқларига томди. Чунки, уни ўз болалари, битта том остида яшаётган бир юз ўттиз нафар бола чин дилдан қутламоқда эди.

Бундай саодат ҳаммага ҳам насиб этавермайди.

З. ИБРОҲИМОВ,
Э.ЭРМАТОВ.

Наманган шаҳридаги «Паҳлавон» спорт мажмуида «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси соврини учун ўсмирлар ва қизлар ўртасида бўлиб ўтган кураш ва белбоғли кураш бўйича 2-Республика турнири якунланди.

«ПАҲЛАВОН» ПАҲЛАВОНЛАРНИ САРАЛАДИ

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйлаб ўтказилган саралаш беллашувларининг 270 нафар ғолиби икки кун давомида эпчиллик, чаққонлик ва маҳорат бобида беллашишди.

Белбоғли кураш бўйича қизлар ўртасидаги баҳсларда ўз вазн тоифасида наманганлик Дилафрўз Ғоипова, қорақалпоғистонлик Нодира Дустенова, қашқадарёлик Шалола Тиллабоева ғолибликни қўлга киритди.

Кураш бўйича беллашувларда эса қашқадарёлик Лола Киркова, Дилфуза Тўрақулова ҳамда тошкентлик Тамара Кантаурова ғолиблик шоҳсупасидан жой эгаллади.

Беш вазн тоифасида ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги кураш баҳсларида жиззахлик Жалол Ашуров, самарқандлик Умид Жўраев, сурхондарёлик Бобомурод Рустамов, хоразмлик Элназар Раҳимов ва қорақалпоғистонлик Азамат Турдонов ўз вазн тоифасида бошқа тенгқурларидан кучли ва маҳоратли эканликларини кўрсатдилар.

Ғоят қизиқарли ва муросасиз ўтган белбоғли кураш баҳсларида фарғоналик Муҳаммаджон Мунисхонов, наманганлик Тоҳир Тўйчиев, Одилжон Меҳмонов, Тошкент вилояти ёш полвони Тоҳир Рисқибоев ва андижонлик Фарҳод Нурматов ўз вазнларида ғолиблик шоҳсупасига кўтарилди.

Кураш мусобақаларида Қашқадарё вилояти ринчи ўринни мусобақа мезбони Наманган вилояти жамоаси, иккинчи ва учинчи ўринларни Фарғона ва Тошкент вилояти ёшлари эгаллади.

Мусобақа ғолиблари медаллар ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Энг муҳими, икки босқичда ўтган мазкур мусобақа мамлакатимизда «Соғлом авлод» давлат дастури доирасида амалга оширилаётган кенг кўламли тадбирлар полвонлари умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ва учинчи ўринлар Хоразм вилояти ва Тошкент шаҳри спортчиларига насиб этди.

Белбоғли кураш баҳслари якунига кўра биринчи ўрин учун боис ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тобора мустаҳкам қарор топиб бораётганини яна бир бор яққол намоён этди.

Р.КАМОЛОВ,
ЎзА мухбири.

Суратда: мусобақадан лавҳа.
Ш.ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.

БИЛАСИЗМИ?

● Маълум бўлишича, битта автомобил тайёрлаш учун 14 килограммга яқин олтингугурт керак бўлади. Маълумотларга кўра, ҳар йили Даниянинг автомобил йўлларида бир миллиондан зиёд қуш, Германияда-300 мингга яқин қуён ва 720 минг типратикан ўликлари йиғиб олинади. Автомашиналар билан рўй берадиган турли фалокатларни халқаро миқёсда ўрганиш шуни кўрсатдики, 16 ёшдан 25 ёшгача бўлган хотин-қизлар энг ишончли ва қоидани деярли бузмайдиган ҳайдовчилар ҳисобланади. Ана шу ёшдаги эркак ҳайдовчилар эса кўп авария қилишади.

● Эркак ҳайдовчилар ичида энг эҳтиёткорлари 40 дан то 45 ёшгача бўлганларидир. Битта автомобил минг километр масофани босиб ўтганда бир одамнинг йил давомида сарф этадиган миқдордаги кислородни йўқотади.

Теннис

ОЛЕГНИНГ ҒАЛАБАСИ

Теннис бўйича йирик халқаро турнирлардан бири - Франция очиқ чемпионатида юртимиз спорт шарафини ҳимоя қилаётган Олег Огородов саралаш баҳсида Норвегиянинг етакчи теннисчиси Ян Фрод Андерсенни мағлубиятга учратди.

Ўзбекистонлик ракетка устаси биринчи сетда норвегиялик спортчига 4-6 ҳисобида имкониятни бой берди. Лекин кейинги икки сетни 7-5, 6-3 ҳисобида ўз фойдасига ҳал этди.

Франция очиқ чемпионатининг аёллар ўртасидаги баҳсларида асосий турдан жой олган яна бир юртдошимиз - Ирода Тўлаганова ҳали баҳсларга киришгани йўқ.

(ЎзА).

Мавжуд корхоналарни таъмирлаш ва замонавий технологиялар негизида фармацевтика саноатини ривожлантириш ишлари жадал олиб борилмоқда. Бу эса ишлаб чиқариш қувватларидан, хом ашё ресурсларидан, илмий-техник имкониятлардан янада тўлароқ фойдаланиш имконини бермоқда. Буни Тошкент вакцина ва зарбдорлар илмий текшириш институтининг ишлаб чиқариш фаолияти мисолида яққол кўриш мумкин.

ДОРИЛАРНИНГ СЎНГГИ АВЛОДИ

Илмий муассаса негизида иммуноглобулин тайёрлаш ҳажми кескин ортди. Бу хил препаратларнинг маълум қисми Марқазий Осиё давлатларига экспорт қилина бошлагани ҳам қувонарлидир.

Вакцина-зарбдор ишлаб чиқариш, вакцина ва ташхис тест тизимларининг янги авлодини яратиш соҳасидаги тадқиқотлар натижасида иммунал ҳимоя, фаол ва суст иммунотерапияга доир изланишлар кенг ривож топди.

Янги зарбдорли препарат—антибиотик иммуноглобулинни ва йирингли — шамоллаш касалликларини даволашда қўлланиладиган дориларни тайёрлаш ҳам йўлга қўйилмоқда. Бу препаратлардан йилига 300 литрини тайёр маҳсулот шаклида ишлаб чиқариш кўзда тутилди.

Қонни қайта ишлашнинг чиқиндисиз технологиясини жорий этиш ҳам ўз истиқболига эга бўлади.

АЖОЙИБ КАШФИЁТЛАР

Кунлардан бир кун француз физиги Жон Пельтье иккита ҳар хил ўтказгичдан ташкил топган электр занжири бўйлаб доимий токнинг ўтишини кузата туриб, ўтказгичлар бир бирига уланган жойда иссиқликнинг маълум қисми ютилишини ва шунга мувофиқ занжирнинг шу жойи совишини сезиб қолди. Лекин бу тариқа ҳосил бўладиган сунъий совиш заиф бўлиши сабабли ўша вақтларда ва кейин ҳам Пельтье самарасига унчалик аҳамият берилмади.

Орадан салкам бир ярим аср ўтгач, академик А.Иоффе ўтказгич сифатида металл ўрнига ярим ўтказгич материаллардан. жумладан висмут, теллур, селен ва сурма қотишмаларидан фойдаланишни таклиф этди.

Ана шу ярим ўтказгичлар занжирида доимий ток орқали рисоладагидек сунъий совуш ҳосил бўлди.

Эндиликда изланиш асосида ҳажми ангишвонадек, вазни граммлаб электрон митти совутгич қурилма яратилди. Бу асбоблар ҳароратни секин-аста пасайтириб минус эллик даражага тушира олади.

ИШҚИБОЗИ БЕҲИСОБ

Инсон ўзи кашф этган энг биринчи от-уловдан бошқа транспорт-велосипеддир. Велосипед сўзи лотинча бўлиб, оёқ билан тез ҳаракатга келтириш, деган маънони билдиради.

Ҳозирги велосипеднинг энг аввалгиси тўрт ғилдиракли бўлиб, германиялик Г.Гантшель 1649 йилда уч ғилдираклигини, франциялик Р.Ларошелли 1693 йилда икки ғилдираклигини, инглиз Овенден 1761 йилда, Россиялик оддий деҳқон А.Артамонов 1801 йилда яратганлар.

Велосипед Хитой ва Японияда айниқса кенг тарқалган.

Велосипедни мотор билан ҳаракатга келтириш-яъни мотоцикл 1890 йилда Ғарбий Европада пайдо бўлган. 1924 йилдан эса Россияда ишлаб чиқарила бошланган.

XX асрнинг 60-йилларида унинг мураккаб шакллари юзага келди ва энг тез ҳаракат қиладиган транспорт воситасига айланди.

А. АЛИЕВ тайёрлади.

Маҳалланг — отанг, онанг!

МАЪНАВИЯТ САБОҚЛАРИ

Миллий мафкура ва маънавиятга оид илғор ғояларни одамлар, айниқса ёшлар онгига чуқур сингдириш шу куннинг энг муҳим вазифаларидандир. Бу борада ҳозирги кунда ҳаётимизда алоҳида ўрин тутаётган маҳаллаларнинг ўрни ўзига хосдир. Қувонч билан таъкидлаш лозим, маҳалламиз аҳли ҳамкору ҳамжиҳатликда ҳаёт кечириб, хайрли ишларга қўл урмоқда. Ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Яқингинада «Маънавият ва маърифат» зали ишга туширилди. Энди бу ер барчанинг энг севимли масканига айланган.

Хоҳлаган киши бўш пайтида китоб мутолаа этиши, газеталарнинг янги сонларини билан танишиши ёки меҳнат фахрийлари, олимларнинг суҳбатидан баҳраманд бўлиши мумкин. Фаолларимиз тарғибот-ташвиқот ишларини жонлантириб, заминни ардоқлаш, ўз Ватанининг муносиб кишилари бўлиб вояга етиш, ҳамиша огоҳу ҳушёр яшаш юзасидан қизиқарли учрашувлар уюштиришмоқда. Яқинда уч авлод учрашуви бўлиб ўтди. Ғоятда қизиқарли ўтган тадбирда профессор Анвар Ҳожиаҳмедов, Тошкент тумани Жомеъ масжидининг имом хатиби Яхё ҳожи Турдиев ва бошқалар Имом ал-Мотуридий, Бурҳониддин ал-Марғиноний каби улуғ зотларнинг ҳаёти, бой мероси, халқлар ўртасида ҳамкорлик муносабатларини қарор топтиришдаги хизматлари хусусида сўзлаб бердилар. Сўзга чиққанлар маҳалланинг мактаблар билан ҳамкорлигини янада кучайтириш, оилада ота ва она нуфузини ошириш, тўйларни камчиқим, бир умрга эсда қоларли қилиб ўтказиш юзасидан қимматли фикрларни ўртага ташладилар.

Анжуман сўнггида маҳалла кутубхонасига нодир адабиётлар топширилди.

Эркин ҒУЛОМОВ,
Тошкент туманидаги Алишер Навоий номли маҳалла оқсоқоли.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раҳбарияти, кенгашнинг ижтимоий суғурта бўлими мудири Журъат Султоновга падари бузруквори

ДАВЛАТ ОТАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Зангиота туманидаги 33-мактаб томонидан Муҳиддинов Мўминга 1997 йил берилган №103326 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Кудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-87-73; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.25

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 432. 1 2 3 4 5 6